

## АГРАР СОҶА ТАРАҚҚИЁТИ МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Сирожиддинов Икромиддин Қутбиддинович, иқт. ф. н, доц.,*

*Ботирова Раҳимахон Абдужабборовна, иқт. ф. н, доц.*

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти.*

**Аннотация:** Мақолада аграр секторда бозор ислохотлари чуқурлаштирилиши ва унинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг мустаҳкамланишига таъсири тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** аграр соҳа, аграр ислохотлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, экспорт.

**Аннотация:** В статье проанализированы основные направления углубления рыночных реформ в аграрном секторе экономики и их влияние на укрепление продовольственной безопасности страны.

**Ключевые слова:** аграрная сфера, аграрные преобразования, продовольственная безопасность, сельскохозяйственное производство, экспорт.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чоралар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат орасида 52-ўринни эгаллаб, 12,1 кўрсаткич билан «мўътадил» даражага эришган эди.

Бирок, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти барқарорлигига эришиш, кам даромадли оилаларнинг харид қобилиятини ошириш, маҳсулотлар нархи ва миқдори кескин ўзгаришининг олдини олиш ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади. Мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади — республиканинг барча аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишдан иборат. Устувор йўналиш аҳолини барқарор нархлардаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ), шу жумладан БМТнинг 2-БРМ «Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш»да белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқарувнинг замонавий

тизимларини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республика қишлоқ хўжалиги. Бу борада Ўзбекистон Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер модели жорий этилди, натижада охириги йилларда пахта экин майдонларининг 125 минг гектари ёки 12 фоизида кооперациялар, 908 минг гектари ёки 88 фоизида кластер фаолият юритди.

Республиканинг барча тоифадаги хўжаликларидида ишлаб чиқарилмоқда (йиллик ўртача ишлаб чиқариш) :

- 7 187,4 минг тонна (110,0 %) – дон экинлари,
- 2 950,9 минг тонна (101,3 %) – картошка,
- 9 945,5 минг тонна (101,9 %) – сабзавотлар,
- 1 922,2 минг тонна (104,6 %) – полиз,
- 2 739,6 минг тонна (101,2 %) – мевалар,
- 1 595,2 минг тонна (100,3 %) – узум.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун ажратилган жами ерлар 20 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 3,2 млн. гектари суғориладиган ерлар. Айни пайтда 2024 йилда Ўзбекистон мева-сабзавот экспортини 3,5 млрд. АҚШ долларига етказиш зарур. Бугунги кунда 1 га ердан Туркияда 2000 доллар, Мисрда 8000 доллар, Исроилда 12 000 долларлик маҳсулот етиштириладиётган бир пайтда, Ўзбекистонда 528,6 долларлик маҳсулот етиштирилмоқда. Ривожланган давлатларда 1 метр куб сув билан 4-6 долларлик маҳсулот етиштириладиётган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,15 долларини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда олиб бориладиётган аграр ислохотлар соҳанинг юқори суръатлар билан ўсишини, қишлоқ аҳолиси бандлигини ва фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Шунинг учун “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга ошириладиётган аграр тадбирлар узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар негизига кўчириш ва самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш иқтисодий жараёнлар марказига кўчирилмоқда (1).

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эркин бозор муносабатлари амал қилиши доирасини изчил равишда кенгайтириб бориш, шу асосда соҳа фаолиятини устувор равишда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларига қаратиш йўлидан борилмоқда. Чунки коронавирус пандемияси шароитларида миллий иқтисодиётнинг мустақил ҳаракатлана олишининг турли

жихатларининг аҳамияти ортиб бормоқда (иқтисодий хавфсизлик, молиявий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, энергетик хавфсизлик, дори-дармонлар ва тиббиёт ускуналари билан таъминланганлик, иш жойларини сақлаб қолиш ва бошқалар). Глобал инқироз шароитларида ташқи манбалар (моддий, молиявий, илмий ва бошқалар) аҳамиятини инкор этмаслик лозим бўлсада, ҳар бир мамлакат ўз муаммоларини аввало ўз кучлари билан ҳал қилишига тўғри келаётганлиги ҳам кўриниб турибди (2).

Бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий субъектлар мустақил ҳаракат қилсаларда, давлат томонидан молиявий қувватлашнинг аҳамияти ўта кучли аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси шароитларида давлатнинг инқирозга қарши чоралари хўжалик юритиш субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини бевосита ва билвосита қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Бу солиқ юкини камайтириш (ер солиғи ва мулк солиғидан дастлаб 3 ойга, сўнгра 2020 йил охиригача озод қилиш, солиқ тўловларининг кечиктирилиши, солиқ характеридаги турли тўловларнинг камайтирилиши – 2020 йилда булар 70 трлн. сўмни ташкил этади), банк кредитлаши таомилларининг соддалаштирилиши ва шартларининг енгилаштирилиши, банк кредитлаши ресурс базасининг кенгайтирилиши кабилардир.

Коронавирус пандемияси шароитларида озиқ-овқат экспортининг роли ортди. Албатта, бу илгари ҳам муҳим эди. Ҳозирги шароитларда фақат озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқа-энергетик хоссаларигина эмас, балки уларнинг инсон иммунитетига таъсири жиҳатидан қадрлилиги эътиборга олинмоқда. Бу омиллар мева-сабзавотлар экспорти учун янги имкониятларни очиб бермоқда, ишлаб чиқарувчиларга катта бозорларга йўл очилмоқда. Экспортнинг янги истиқболли йўналишлари ривожланмоқда. Масалан, 2020 йилнинг 9 ойида мамлакатимиздан 8720 тонна ҳажмидаги 9365 минг АҚШ доллари қийматида консерваланган мева-сабзавотлар экспорт қилинди. Бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3607,4 тонна кўп эди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар даврда қишлоқ хўжалиги ривожлантиришнинг концепцияси соҳанинг эркинлаштирилиши ва озиқ-овқат йўналганлиги кучайтирилишини назарда тутди. Мамлакатимизда 2020 йилда мева-сабзавот тармоғида агросаноат интеграцияси жараёнларини жадаллаштириш учун 86 та кластер ва 125 та кооперативлар ташкил этилди. Уларнинг фаолияти ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардош ва ташқи бозорларда харидоргир озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорлигини кучайтиришга хизмат қилиши лозим. Кластерлар ва кооперативлар маҳсулотни сотиш билан кифояланиб қолмасдан, уни сақлаш ва қайта ишлашни ҳам ташкил этишлари лозим. Натижада қўшилган қиймат занжири ҳосил бўлади ва ижтимоий-иқтисодий самарага эришилади.

Аграр соҳадаги бозор ислохотлари коронавирус пандемияси шароитларида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилмоқда. Бу борада давлат томонидан аҳоли томорқа хўжаликларининг молиявий қувватланиши ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий натижалар бермоқда. Ўзбекистонда аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликлари сони 4,5 миллионгани ташкил этади ва улар ихтиёрида 435 минг гектар ер мавжуд. 2020 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа участкаларидан самарали фойдаланиш ва экиш ишларини тизимли ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. 2022 йилда уларни қувватлаш учун давлат бюджетининг 300 млрд. сўм маблағлари ва 100 млрд. сўм банк кредитлари ажратилди. Бундан ташқари давлат аҳоли учун энгил конструкцияли иссиқхоналар қуришга 600 млрд. сўм йўналтирди.

Шу чоралар доирасида Наманган вилоятининг Чортоқ туманида қишлоқ оилалари учун 1000 та иссиқхоналар қуриб топширилди. Уларда йилига уч марта ҳосил олиш мумкин. Оиланинг иссиқхонадан даромади йилига 30 - 40 млн. сўмни ташкил этиши мумкин, бу эса камбағалликдан чиқиб олишга имкон беради. Мазкур иссиқхоналар қурилишига 13 млрд. сўм сарфланди, ундан 6,7 млрд. сўми давлат субсидияси, 6,3 млрд. сўми имтиёзли банк кредитлари эди. Иссиқхонани тўғри ишлата олган оила банк кредитини (6,3 млн. сўм) бир йилда қайтара олади. Бундай лойиҳа институционал чорлар билан ҳам қувватланади. Хусусий тадбиркор бошчилигида кластер ташкил этилади. У иссиқхоналар эгаларини шартнома асосида уруғ билан таъминлайди, маҳсулотларини сотиб олади, агрономик хизматни ва маслаҳатларни йўлга қўяди. Кластерда агробизнес ўқув маркази ташкил этилган. 2020 йилда 1млн. АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилиш, келажакда уни 5 млн. долларга етказиш мўлжалланган.

Наманган шаҳрида кам таъминланган оилалар учун 2020 йилнинг 9 ойида 225 та энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилди ва 663,7 млн. сўм давлат томонидан субсидияланди. Октябрь ойида яна 40 та кам таъминланган оилалар учун иссиқхоналар қурилди.

Вилоятда чорвачиликнинг ривожланиши кузатилмоқда ва бу борда фермер хўжаликлари салмоқли натижаларга эришмоқдалар. “Тўрақўрғон парранда” фермер хўжалиги бир йилда 120 минг дона парранда гўшт маҳсулоти етиштирмоқда. Эътиборли жиҳат шундан иборатки, маҳсулотни тайёрлаш ислом дини қоидаларига амал қилган ҳолда бажарилади. Бу эса мамлакатимизда ислом зиёрат туризмни ривожлантириш борасидаги тадбирларга ҳамоҳангдир. Шунингдек Тўрақўрғонда “Баҳром Сардор” фермер хўжалигида фермер хўжалигида 320 та зотдор қорамоллар боқилади. Бир кунда 1700 литр сут қайта ишлаш корхоналарига сотилади, 700 литр сут бузқочаларга ажратилади, 150 литр сут ходимларга тарқатилади.

Умуман олганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг роли ортиб бормоқда ва бу биринчи навбатда аҳоли фаровонлиги юксалаётганлиги билан боғлиқ (3). Масалан, мустақиллик арафасида аҳоли жон бошига йиллик гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли 15 килограммни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 3 баравар юқори. Аҳоли рационида гўшт тобора салмоқлироқ ўрин эгалламоқда. Бу эса бозор талабига, талаб эса нархларга таъсир этмай қолмайди. Масаланинг туб ечими чорвачиликнинг ем-озуқа базасига бориб тақалади. Шунинг учун, фикримизча, чорвачилик учун ер ажратишда қолдиқ тамойилидан воз кечиш, тармоққа унумдорлиги юқори ерларни ажратиш пайти келди. Яна бир муҳим йўналиш - беда майдонларини кескин кенгайтиришдир. Чунки бедапоя етказиб берадиган озуқа birlikлари бошқа экинларга нисбатан 1,5 баравар кўп, таннархи эса 3 - 4 баравар арзон. Пахта яккаҳоқимлиги туфайли воз кечилган тармоқни қайта тиклаш лозим. Беда концентрати экспорти ҳам йўлга қўйилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Бозор эркинликлари шароитларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари учун қайта ишловчиларнинг талаби аҳамиятли. Шунинг учун 2019 йил 29 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида ” Қарори қабул қилинди. Унга биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта иш бўйича 174 та инвестицион лойиҳалар, шунингдек маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 24 та йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилади. Талабнинг ошиши ва харидорлар ўртасидаги рақобат ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши лозим.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари кенгроқ ва чуқурроқ қўйилмоқда ва қуйидагиларни қамраб олмоқда:

- энг муҳим маҳсулотларни барқарор ҳажмларда ишлаб чиқариш уни ошириб бориш;
- маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлилиги, экспортга йўналганликни сақлаб қолиш ва кучайтириш;
- инновацион ривожланиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш (янги технологиялар, ва агротехника, нав алмаштириш, органик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий этиш, сув ва энергия тежамкорлиги, деҳқончилик юксак маданияти);
- қишлоқ хўжалиги ривожланишини экологик талабларга мувофиқлаштириш.

Аграр соҳани мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш йўналишида ривожлагтиришдги сақланиб қолаётган стратегик муаммолар:

- ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотида 70 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари етарли ривожланмаганлиги;
- маҳсулотларни даладан якуний истеъмолчигача етказиб бериш, яъни йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш харажатларининг юқорилиги;
- инфратузилмани ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш мақсадида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилармонлик муҳити яратилмаганлиги;
- экспорт қилинадиган мева-сабзавотларнинг асосий қисмини ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликларида маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш имкониятлари чекланганлиги;
- кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиришнинг самарали механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги.

#### Адабиёт:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
2. “Ўзбекистон – 2030” Стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2023 йил 12 сентябрь.
3. Сирожиддинов И. К., Ботирова Р. А. Возможности развития экспорта фруктов и овощей в регионе. – Актуальные вызовы современной науки. Сборник научных трудов. Выпуск 11 (31). Часть I// Переяслав-Хмельницкий, 2018. С. 82 – 85.
4. Botirova, R. A., & Sirojiddinov, I. Q. (2023). CURRENT ISSUES IN ACCOUNTING FOR FINANCIAL INVESTMENTS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES* ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 17(05), 12-15.
5. Botirova, R. A., & Sirojiddinov, I. Q. (2023). Analysis Of Long-Term and Current Factors Affecting the Exchange Rate. *Journal of Survey in Fisheries Sciences*, 10(2S), 2335-2340.
6. Abdujabborovna, B. R., & Qutbiddinovich, S. I. (2023). THE NEED FOR STRENGTHENING THE FOOD ORIENTATION OF THE AGRICULTURAL SECTOR. *Interpretation and researches*, 1(3), 4-12.
7. Qutbiddinovich, S. I. (2022). Features of accounting and financial control in small business. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES* ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(4), 40-48.

8. Abdujabborovna, B. R., Kutbiddinovich, S. I., & Anvarovich, K. A. (2020). Innovation as an important factor in the development of the agricultural sector of the region's economy. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 821-823.
9. Ботирова, Р. А., & Сирождидинов, И. К. (2018). Промышленное развитие-основа устойчивого экономического роста региональной экономики. *Молодой ученый*, (21), 229-231.
10. Холмирзаев, У. А. (2022). ҚИСКА МУДДАТЛИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ АНАЛИТИК ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Архив научных исследований*, 2(1).
11. Хакимов, Б., Талабоев, Х., & Холмирзаев, У. (2021). ВОПРОСЫ УЛУЧШЕНИЯ АНАЛИЗА ОБРАЩЕНИЯ ДОЛГОВОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ В УСЛОВИЯХ НАПРАВЛЕНИЯ. *Экономика и социум*, (6-2 (85)), 441-446.
12. Khakimov, B., & Kholmirezayev, U. (2020). IMPROVING CASH ACCOUNTING AND ANALYSIS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL EXPERIENCES. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 18.
13. Hakimov, B., Yunusov, M., & Holmirzayev, U. (2018). Elaboration of The Balance Sheet Liquidity Analysis-Requirements of The Period. *International Finance and Accounting*, 100.
14. Sirojiddinov, I., Xolmirzaev, U., & Axmadjonova, M. (2021). THE NEED AND FACTORS TO ACCELERATE THE DEVELOPMENT OF PRIVATE ENTREPRENEURSHIP. *Интернаука*, (21-5), 14-16.
15. Abdulazizovich, K. U. (2022). IMPROVING METHODOLOGICAL APPROACHES TO FINANCIAL ASSET ACCOUNTING. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876*, 16(4), 56-62.
16. Abdulazizovich, X. U. B. (2023). XALQARO QOIDALAR ASOSIDA QIMMATLI QOG'OZLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH.
17. Abdulazizovich, K. U. B. (2023). Improvement Of Information About Accounts Receivable In Current Assets In The Balance Sheet Based On International Standards. *Journal of Survey in Fisheries Sciences*, 10(2S), 2849-2859.
18. Ubaydullaev, T., & Holmirzaev, U. (2018). PECULIARITIES OF TAXATION OF INDIVIDUALS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Экономика и социум*, (11 (54)), 54-57.
19. Qutbiddinovich, S. I., & Abdulazizovich, X. U. B. (2023). GAAP ASOSIGA QO'YILGAN MOLIYAVIY HISOB KONTSEPTSIYALARI. *Interpretation and researches*, 1(3), 42-50.
20. Kholmirezayev, U. B. A., & Ubaydullayev, T. A. (2023). Improving the classification of financial assets according to the economic content. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1), 203-209.
21. O'g'li, J. E. S., & Abdulazizovich, X. U. B. (2019). Profits of housekeeping and its development. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 8(4), 419-423.
22. Abdullayevich, A. O., & Abdullajanovich, U. T. (2021, December). Development of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan. In *Conference Zone* (pp. 123-128).

23. Xolmirzaev, U. B. A., & Madaliev, M. R. (2023). MOLIVIY HISOBOTLARNING QAYTA KO 'RIB CHIQLISHIDA XALQARO TALABLARGA RIOYA ETILISHI ZARURLIGI. *Educational research in universal sciences*, 2(3), 424-432.
24. Khakimov, B. J., Alimov, B. B., Kholmirezayev, U. A., & Polechov, A. X. theory of Economic Analysis. *Tashkent" economics-finance"—2013*.
25. Gulshirin, J., & Abdulazizovich, X. U. B. (2022, March). INCREASING THE EFFICIENCY OF INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF EXPORT DIVERSIFICATION IN THE REGION. In *Conference Zone* (pp. 277-281).
26. Abdulazizovich, K. U. (2023). POSITIVE ASPECTS OF THE CASH METHOD IN SMALL ENTERPRISES UNDER UNUSUAL CIRCUMSTANCES. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 12(11), 38-47.
27. Xolmirzayev, U. A., & Xakimova, G. A. (2023). XO'JALIK YURITUVCHI SUB'EKTLARDA DEBITOR QARZLARINING AYLANISHI TAHLILIGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: XO'JALIK YURITUVCHI SUB'EKTLARDA DEBITOR QARZLARINING AYLANISHI TAHLILIGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR.
28. Холмирзаев, У. А. (2023). ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИНИ АЙЛАНИШИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИНИ АЙЛАНИШИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.
29. Холмирзаев, У. А., & Самижонова, Ш. С. (2022). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОТРАЖЕНИЯ ДЕНЕГ В БУХГАЛТЕРСКОМ БАЛАНСЕ. *Экономика и социум*, (5-2 (92)), 755-766.
30. Холмирзаев, У. А., & Камолдинов, О. О. (2022). АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ИНФОРМАЦИИ О ДЕБИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ ПО ОБОРОТНЫМ СРЕДСТВАМ В БУХГАЛТЕРСКОМ БАЛАНСЕ. *Экономика и социум*, (5-2 (92)), 767-779.
31. Khakimov, J. B., & Kholmirezayev, A. U. (2021). Positive Aspects Of Cash Method In Small Enterprises In The Context Of Pandemic. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
32. Qutbiddinovich, S. I., & Abdulazizovich, X. U. B. (2023). GAAP ASOSIGA QO'YILGAN MOLIYAVIY HISOB KONTSEPTSIYALARI. *Interpretation and researches*, 1(3), 42-50.